



ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА МУРОЖААТЛАРНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ: СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИНГ ПОТЕНЦИАЛИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ

Зокиров Шерзод

юримдик фанлар бўйича

фалсафа доктори (PhD)

E-mail: shizokirov@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада прокуратура органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда сунъий интеллект технологияларининг аҳамиятини илмий ҳамда хорижий давлатлар тажрибалари асосида таҳлил қилинган. Мақолада сунъий интеллектдан фойдаланиш орқали мурожаатларни саралаш, маълумотларни тез ва аниқ таҳлил қилиш, шунингдек, қарор қабул қилиш жараёнларидаги инсон хатоларини камайтириш имкониятлари ёритилган. Муаллиф ушбу технологиянинг ижобий жиҳатларига эътибор қаратган, шу билан бирга, сунъий интеллектнинг салбий жиҳатлари ҳам кўриб чиқилган. Муаллиф прокуратура органларида мурожаатлар билан ишлаш фаолиятида сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш учун қонунчиликни такомиллаштириш, технология инфратузилмасини ривожлантириш, мутахассис кадрларини тайёрлаш ҳамда халқаро тажрибаларни ўрганиш орқали комплекс ёндашувни таклиф қилган.

Калит сўзлар: мурожаат, прокуратура органлари, сунъий интеллект, ижобий ва салбий жиҳатлар, хорижий тажриба.



Кириш

Бугунги кунда кўплаб давлатларда сунъий интеллект технологиялари замонавий жамиятнинг турли соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида муурожаатлар билан ишлашда сунъий интеллектдан фойдаланиш иш самарадорлигининг ошишига, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган нормаларга асосланиб, тез ва аниқ тарзда кўриб чиқишга ёрдам беришини таъкидлаш ўринли. Ушбу мақолада прокуратура органларида сунъий интеллект технологияларининг аҳамияти, бу борада олимларнинг фикрлари, шунингдек, сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланаётган илғор хорижий давлатлар тажрибалари ва Ўзбекистонда ушбу технологияни жорий этиш бўйича муаллифлик таклифлари таҳлил қилинади.

Муҳокама

Кўплаб ҳуқуқшунос олимлар ва экспертлар прокуратура органларида сунъий интеллектдан фойдаланишнинг аҳамияти ҳақида фикр билдирганлар.

Жумладан, сунъий интеллект соҳасининг асосчиларидан бири ҳисобланган **Жон Маккарти** (John McCarthy) шундай дейди: “Сунъий интеллект инсон ақлининг функцияларини автоматлаштиришга кодир бўлиб, ҳуқуқий жараёнларда самарадорликни оширади” [1].

Бир гуруҳ олимлар **Томас Х. Давенпорт** (Thomas H. Davenport) ва **Ражив Ронанк** (Rajeev Ronanki) ўз тадқиқотларида “Сунъий интеллект ҳуқуқий жараёнларда маълумотларни таҳлил қилиш, қарор қабул қилиш жараёнини тезлаштиришда муҳим аҳамиятга эга” эканлигини таъкидлаганлар [2].



Бошқа бир олим **Кристиан Сандвиг** (Christian Sandvig) эса, “Сунъий интеллект алгоритмлари ҳуқуқий жараёнларда адолатлилиқ ва ҳолислиқни таъминлашда ёрдам беради, бироқ, бу инсон назорати остида бўлиши зарур”лиги қайд этиб ўтган [3].

Дарҳақиқат, сунъий интеллект бугунги замонавий дунёнинг жуда муҳим, ажралмас бир қисмига айланиб бормоқда. Ҳар бир йўналишда, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини билан ишлаш жараёнларини тезлаштириш, прокуратура органларига юборилган мурожаатларни таҳлил қилишда сунъий интеллектнинг ижобий жиҳатларидан ҳуқуқий тарафлама тартибга солган ҳолда ҳамда бу борада тегишли ахборот хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган, шу билан бирга, назорат фаолиятини ҳам ишлаб чиқиш орқали кенг фойдаланиш ҳар тарафлама фойдали ҳисобланади.

Сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ижобий ва салбий жиҳатлари

Прокуратура органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш фаолиятига сунъий интеллектни жорий қилишнинг ўзига хос ижобий ҳамда салбий жиҳатлари мавжуд.

Ижобий жиҳатлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

биринчидан, самарадорлик ошиши: мурожаатларни тез ва аниқ кўриб чиқиш имкониятини беради. Сунъий интеллект алгоритмлари орқали прокуратура органларида мурожаатларни саралаш, уларнинг устуворлик даражасини аниқлаш ва автоматлаштирилган ҳолда таҳлил қилиш иш юритиш самарадорлигини оширади;

иккинчидан, маълумотларни таҳлил қилиш: катта ҳажмдаги маълумотлар (мурожаатлар)ни қисқа вақтда ичида таҳлил қилиш имконияти яратилади. Бу прокуратура органлари ходимларига асосий маълумотларга тезкор кириш имконини бериб, уларнинг иш ҳажми самарали ташкил этилишига ёрдам беради;





учинчидан, адолатни таъминлаш: инсон томонидан йўл қўйилиш эҳтимоли бўлган хатоларини камайтириш ва объектив қарорлар қабул қилишга эришилади. Сунъий интеллект инсон эмоцияларига таъсир қилмайди, бу эса, қарорлар қабул қилиш жараёнида холисликни таъминлаш ва адолатли қарор қабул қилиш имконини яратади;

тўртинчидан, хатоларни аниқлаш: сунъий интеллект тизимлари орқали жисмоний ва юридик шахслар томонидан прокуратура органларига йўлланган мурожаатлардаги хатолар ёки улардаги номутаносибликларни автоматик равишда аниқлаш мумкин бўлишини эътироф этиш жоиз.

Ҳар бир тизимнинг ижобий жиҳатлари бўлганидек, унинг ўзига яраша салбий жиҳатлари ҳам мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Хусусан,

– **этика ва холислик муаммолари:** сунъий интеллект алгоритмларининг ишлаш жараёнида адолатсизликка олиб келувчи камчиликлар пайдо бўлиш эҳтимоли мавжуд. Масалан, маълумотлардаги хилма-хиллик ёки таркибий ён босишлар алгоритм натижаларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкин;

– **махфийлик, ахборот хавфсизлигига оид хатарлар:** жисмоний ва юридик шахсларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш муаммоси юзага келиши мумкин. Бу эса, сунъий интеллект тизимларига ҳужумлар ёки маълумотларнинг ноқонуний тарқалиши хавфини оширади;

– **техникавий муаммолар:** технологиялардаги хатолар ёки киберхавфсизлик муаммолари фонида программалардаги носозликлар ёки техник узилишлар натижасида муҳим маълумотлар йўқолиши ёки нотўғри қарорлар қабул қилиниши мумкин;

– **инсон омилининг камайиши:** сунъий интеллект технологияларининг кенг қўлланилиши инсон мутахассисларининг аҳамиятини камайтиради, бу эса, баъзи ҳолларда қарор қабул қилиш жараёнида инсон интуицияси етишмаслигига олиб келиши мумкин бўлиб ҳисобланади.





Хорижий давлатлар тажрибаси

Сунъий интеллект технологиялари билан ишлашда хорижий давлатлар тажрибаси, илгор ривожланган давлатлар қонунчилигида белгиланган нормаларни таҳлил қилиш, улардаги мавжуд ижобий тажрибаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ёки амалиётда қўллаш муҳим жараёнлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бу соҳада қонунчилиги ва амалиёти бўйича қизиқиш уйғотадиган давлат – бу Америка Қўшма Штатлари ҳисобланади.

АҚШда **CaseText** ва **ROSS Intelligence** каби сунъий интеллект технологиялари ҳуқуқий таҳлиллар ва мурожаатлар билан ишлаш жараёнларида қўлланилади. Бу платформалар суд ишлари ва мурожаатларни автоматлаштиришда ёрдам беради [4].

Бошқа бир давлат Эстонияда “e-Justice” платформаси орқали сунъий интеллект асосида мурожаатларни кўриб чиқиш тизими жорий этилган бўлиб, жараёнларни рақамлаштириш ва автоматлаштириш самарадорликни оширган [5].

Бу борада илгор ривожланган давлатлар қаторига кирувчи Сингапурда **CrimsonLogic** технологияси прокуратура органларида мурожаатлар билан ишлашни автоматлаштиришда қўлланилади. Бу тизим таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш жараёнларини тезлаштиради [6].

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида сунъий интеллектни жорий этиш бўйича таклифлар

1. **Қонунчилик базасини такомиллаштириш:** сунъий интеллектдан фойдаланиш учун ҳуқуқий асосларни яратиш, айниқса, ахборот хавфсизлиги ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ нормаларни қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамлаш зарур ҳисобланади;



2. **Технологик инфратузилмани яратиш:** замонавий дастурий таъминот ва ахборот тизимларини ишлаб чиқиш, сунъий интеллектни интеграция қилиш учун махсус платформалар яратиш таклиф этилади;
3. **Махсус кадрлар тайёрлаш:** сунъий интеллект технологиялари билан ишлай оладиган мутахассисларни тайёрлаш, ҳуқуқшунослар ва ИТ мутахассислари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш;
4. **Таҳлил ва мониторинг марказларини ташкил этиш:** сунъий интеллект фаолиятини кузатиб бориш ва таҳлил қилиш марказларини яратиш, алгоритмлар самарадорлигини доимий равишда баҳолаб боришни йўлга қўйиш;
5. **Халқаро ҳамкорликни кучайтириш:** сунъий интеллект бўйича халқаро тажрибаларни ўрганиш, хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда илғор амалиётларни жорий этиш мақсадга мувофиқ;
6. **Этика ва ҳуқуқий стандартларни жорий этиш:** сунъий интеллект тизимларининг адолатли ва ҳолис ишлашини таъминлаш учун этик меъёрлар ва назорат механизмларини жорий этиш;
7. **Пилот лойиҳаларни амалга ошириш:** сунъий интеллектни жорий этишдан олдин пилот лойиҳаларни синовдан ўтказиш, уларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш ва камчиликларни бартараф этиш таклифлари илгари сурилади.
- 8.

Хулоса

Сунъий интеллект технологиялари прокуратура органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш жараёнида самарадорликни ошириш ва адолатлилиқни таъминлаш учун катта имкониятлар яратади. Ўзбекистонда ушбу технологияни жорий этиш учун қонунчилик базасини такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш ва халқаро тажрибалардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.





ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР

1. John McCarthy What is Artificial Intelligence? // Computer Science Department Stanford University Stanford, CA 94305, jmc@cs.stanford.edu <http://www-formal.stanford.edu/jmc/>. 2007
2. Davenport, T. H., & Ronanki, R. Artificial Intelligence for the Real World. Harvard Business Review, 2018.
3. Sandvig, C. The Algorithmic Accountability. 2014.
4. *U.S. Department of Justice, 2021 Annual Report.*
5. Estonian Ministry of Justice, Digital Governance Review, 2020
6. Singapore Academy of Law Journal, 2019